

12-20-2018

THE ACTIVITY OF WOOD CARVING AND ENGRAVING SCHOOLS AND THEIR CHARACTERISTIC STYLES

U.A Klichev

Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Education Staff at Gulistan State University, u-qlichev@umail.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Klichev, U.A (2018) "THE ACTIVITY OF WOOD CARVING AND ENGRAVING SCHOOLS AND THEIR CHARACTERISTIC STYLES," *Bulletin of Gulistan State University*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2018/iss4/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ijtimoiy - iqtisodiy va siyosiy fanlar

УДК 316.7:372.800.8

**ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ВА НАҚҚОШЛИК МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС УСЛУБЛАРИ ҲАҚИДА**

У.А.Қличев

Гулистон давлат университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий маркази

E-mail: u-qlichev@umail.uz

Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлик ва наққошлик мактаблари Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада шаклланди. Ушбу мактабларнинг техник ва композицион томонларида кўпгина ўхшашликлар билан бирга, фарқли жиҳатлари ҳам намоён бўлади. Масалан, Тошкент ёғоч ўймакорлигида, “паргори” услуби кенг тарқалган бўлиб, “паргор” ёки “паргол” сўзларининг ўзи услубга қараганда кўпроқ нақшлар рўйхатига мос ибора ҳисобланади. У циргулда чизилган деган маънони беради. Шу сабабли, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик орноментларида кенг чизилган доира ёки айлана кўринишидаги нақш гулларни “паргорий” деб номлашади. Бу услуб деярли барча усталарнинг ишларида учрайди.

Фарғона водийси усталарнинг наққошлик ишларида “бута”, “гулдаста”ларга кенг ўрин берилади. Лекин улар ушбу мактаб вакиллари томонидан бирмунча яхлит, нақшларнинг ораси очиқ, йирик кўринишларда ишланади. Бундан ташқари, Фарғона наққошлигида мовий бўёқлар кўп ишлатилиши билан ажралиб туради.

Самарқанд ва Бухоро ёғоч ўймакорлиги ҳам кўп томонлардан Хива мактабининг анъаналарига яқин бўлса ҳам, лекин айрим жиҳатлари яъни ранглар мажмуаси билан Фарғона – Тошкент мактабига яқин ҳисобланади. Чунки, наққошлик мактабидаги нақшлар тизими тасвирланиши билан фарқланади. Масалан, Тошкент наққошлик мактабида ўйиладиган гулларнинг ораси очиқ, тасвирлар бирмунча эркин бўлиб кўринса, Хоразмда зич, новдаларнинг орасида бўш жой қолдирилмаслигига катта аҳамият берилади. Уларда ишлатиладиган ранглар деярли барча мактабларда бир хил қўлланилади.

Тарихда халқ хунармандчилигининг бошқа турлари каби ёғоч ўймакорлиги ва наққошлигида усталар асосан “уста-шогирд” анъанаси орқали тайёрланади. Бу анъана ҳозирги давргача сақланган бўлиб, шу билан бирга хунарнинг ушбу турларига сезилаётган эҳтиёждан келиб чиқиб, соҳага мослаштирилган қатор коллежларда ҳам усталар тайёрлашга киришилди.

1997 йилда ёғоч ўймакор ва наққошларни ҳам бир жойга бирлаштирадиган нодавлат “Хунарманд” уюшмаси ташкил этилди. “Хунарманд” ва бошқа нодавлат илмий ишлаб чиқариш марказлари аъзолари уйда ижод қилади ва маҳсулотларини мана шу марказлар орқали таркатади. Уюшмалар эса уларга услубий ёрдам кўрсатади, уста хунармандлар ижоди, ясаган маҳсулотларини кенг омма орасида, Республика ва хориждаги йирик кўرғазмаларда намоиш этиб тарғиб қилади.

Ҳозирги кунга келиб ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик хунармандчилиги ўзининг аввалги даврлардаги мавқеини қайта тиклади. Мамлакатимизда қурилган ва қурилаётган сон-саноксиз қурилишларда ёғоч ўймакорлари ва наққошлар фаол иштирок этмоқда.

Айтиш мумкин, ёғоч ўймакор уста хунармандлар орасида тошкентлик М.Иброҳимова ҳам фаолият кўрсатади. Унинг томонидан амалга оширилган ёғоч ўймакорлик намуналари мамлакатимизда ва хорижда ҳам ном қозонмоқда. Гарчи ёғоч ўймакорлиги оғир иш ҳисоблансада, бу хунармандчилик соҳасида кўплаб хотин-қизларнинг фаолият кўрсатаётганини алоҳида жиҳат сифатида кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши сабабли совғабоп буюмлар ишлаб чиқариш тобора ривожланиб бормоқда. Бу йўналишда хунарманд усталар – О.Файзуллаев, А.Азларов, З.Алимбоев, М.Жалолов, М.Тўраев, С.Маҳмудов, А.Аскарлов ишлаб чиқарган маҳсулотлар сайёҳлар орасида харидорлиги билан ажралиб туради. Бу усталар нафақат республика балки хориж кўрғазмаларининг ҳам қатнашчилари ҳисобланади. Мисол учун, О.Файзуллаев Покистондаги 46 мусулмон мамлакатлари қатнашган хунарманд усталар фестивалида фахрли ўринни эгаллади.

Тошкентлик ёғоч ўймакор усталар ёғочнинг табиий кўркамлиги ва фактурасини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Фақат баъзи асарлар устида ишлаётганида ёғочнинг сирти тўқ жигарранг-қорамтир

рангга бўялади. Ёғочнинг сиртига нақш ўйилганда эса, ундаги қорамтир тус билан ёғочнинг ўйилган оч-қизғиш ранги бир-бирига қарама-қарши бўлиб, маҳсулотнинг жозибасини янада оширади.

Сўнгги йилларда ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик хунари ривожланиб, унутилиб бораётган баъзи услубларини қайта тикланаётгани, нақшларнинг рўйхати йил сайин кенгайиб ва ислимий нақш турларининг уйғунлашаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айтиш мумкин, XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Тошкент мактабида “паргори” услуби, айниқса, машҳур бўлиб, сўнгги вақтларда эса деярли қўлланилмаётганди. Бугунги кунда у қайта тикланди. Ёғоч ўймакорлиги ва наққошликда ишлатиладиган хом ашёда ёнғоқ, чинор, қайрағоч, ўрик, дуб, бук каби ёғоч навлари кўпроқ ишлатилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ёғоч ўймакор ва наққошлар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги кўринишларини излашга сабаб бўлмоқда. Улар нафақат ижодий изланишларини давом эттирмоқдалар, балки интернет ва коммуникациянинг бошқа замонавий алоқа воситалари орқали соҳаларига тааллуқли янгиликлар билин танишиб бормоқда. Шунингдек, хорижий кўргазмаларда, халқаро ташкилотлар томонидан ҳомийлик қилинадиган турли лойиҳаларда, кўргазмаларда қатнашиб, ўзларининг касбий маҳоратларини оширмоқда.

Ёғоч ўймакор ва наққошлар буюртма бўлган тақдирда, асосий йўналишларидан ташқари, харидорнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, хоҳланган услуб ва ўлчамдаги буюртмалар устида ҳам ишламоқда. Европа андозаларидаги буфет, трюмо, сервантлар фикримиз далилидир. Уларда ўйиладиган нақшлар анъанавий ёки буюртмачи томонидан тақдим этилган чизмалар асосида, европаликларнинг наққошлик хунарамандчилигига хос нақшлар ҳам бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда, 2017 йил 17 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунарамандчиликни янада ривожлантириш ва хунарамандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонга кўра, хунарамандларнинг даромад солиғи ва бошқа божхона тўловларидан беш йилга озод қилинишлари халқ хунарамандчилиги қаторида ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган усталарга қатор қулайликларни яратмоқда. Бунда нафақат хунарамандчилик, балки бадиий ва халқ амалий санъати усталарига ҳам қатор имтиёзлар берилиши белгилаб берилган. Масалан, пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловини 50 фоизини тўлаши, бир кредит олувчига бериладиган, кредит ҳажми энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача бўлган миқдорда кўзда тутилган, кредит муддати олти ойлик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда 2 йилни ташкил этади. Шунингдек, аксарияти қишлоқ жойларларга тўғри келадиган 9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишни кўзда тутувчи 3015 та лойиҳа амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимликларига икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи хунарамандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хомашё сифатида ишлатиладиган дарахт турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонларини ажратиш чоралари кўриш топшириғи берилган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунараманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Қарорга мувофиқ “Хунараманд” уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари ва вазифалари белгиланди, уюшманинг янгиланган ташкилий тузилмаси, ижро аппарати тузилмаси, шунингдек, уюшманинг ҳудудий бошқармалари ва туман, шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

Хунарамандчилик маҳсулотларини сотиш бўйича бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва “Хунараманд” уюшмасига икки ой муддатда хунарамандчилик маҳсулотларини чекка ҳудудлардан сотиб олиб, йирик шаҳарларда сотиш учун “Хунараманд” уюшмаси қошида савдо-харид корхоналари ташкил этишни таъминлаш топшириғи берилди. Бундан ташқари, “Хунараманд” уюшмаси касаначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш вазифалари юклатилган таркибий бўлинмалар тузиш, шунингдек, пудратчи корхоналар сифатида, айниқса, республиканинг қишлоқ ва олис туманларида уй меҳнати билан шуғулланувчи фуқаролар билан хунарамандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, хунарамандчилик касбларини аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида оммалаштириш, хунарамандчилик маҳсулотларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва медиа-ресурсларини кенг қўллаган ҳолда ички ва ташқи бозорларда танитишга қаратилган чоралар ҳам қабул қилинган.

“Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва қарори хунармандчилик янги субъектларини ташкил этишни рағбатлантириш, улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш, хунармандчилик ва халқ амалий санъати билан шуғулланувчи фуқаролар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш, қишлоқ ва чекка туманларда оилалар турмуш даражаси ва сифатини ошириш ишларини ташкиллаштиришни сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, тарих халқ хунармандчилиги сўнмас соҳа эканлигини кўрсатиб, бу соҳанинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятини исботлади. Миллий хунармандчилик, аввало, иқтисодий эҳтиёжлар доирасида ва маданий меросни қайта тиклашда катта ўзгаришлар ва янгиланишларга учраб, авлодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

- Аведова Н.А. Тошкент ўймакорлиги (уста Мақсуд Қосимов ижоди). – Т.: Бадиий адабиёт, 1961.- 88 б.
Боймиров Қ. Касб-хунар замини меҳнатдир. – Т.: Ўқитувчи, 1998.- 78 б
Булатов С.С. Ёшларга хунар ўргатишнинг миллий анъанавий асослари (методик тавсиянома). – Т.: РУМЦ, 1999.
Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Меҳнат, 1991.- 384 б.
Ёқубжон уста Рауф. Наққошлик. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - 6 б.
Жабборов И.М. Ўзбеклар. –Т.: Шарқ, 2008. - 239 б.
Зоҳидов П. Фарғона нақши: Халқ устаси Саидмахмуд Норқўзиев альбомидан. – Т.: Ўзадабийнашр, 1960.- 48 б.
Мазур В.А., Давидова Л.Г. Миллий хунармандчиликка ўқитиш ва уни ташкил қилиш. – Т.: 1994.- 24 б.
Усмон Х., Шодиев Н., Абдурахмонова М. Марғилон хунармандлари. - Фарғона: Фарғона, 2000.- 32 б.
Юсупов Д. Эътироф: Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Йўлбарсали Ўтаганов ҳақида рисола. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 87 б.
Қосимов Қ. Наққошлик: Халқ наққошлиги тўғараги. – Т.: Ўқитувчи, 1990 - 160 б.
Фулломов С.С., Булатов С.С. Шарқона уста – шогирд одоби. –Т.: 2000. - 63 б.

Аннотация

ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ВА НАҚҚОШЛИК МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБЛАРИ ҲАҚИДА

У.А.Қличев

Ушбу мақола Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ёғоч ўймакорлиги ва наққошликнинг ривожланишига бағишланган. Шунингдек, ёғочга ишлов берувчи хунармандчилик мактабларининг ўзига хослиги, ўзаро фарқли томонлари ва уста-хунармандлар фаолияти кўрсатиб берилди.

Таянч сўзлар: ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, уста, хунармандчилик, маданий мерос.

Аннотация

О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ШКОЛ ПО ГРАВИРОВКЕ И РЕЗЬБЕ ПО ДЕРЕВУ И ИХ СВОЕОБРАЗНЫХ СПОСОБАХ ОБРАБОТКИ

У.А.Кличев

В данной статье рассматривается ход развития резки и отделочных работ дереву в годы независимости в Республике Узбекистан. Также рассматриваются особенности ремесленных школ обработки дерева, их различия и деятельность мастеров.

Ключевые слова: резьба по дереву, живопись, мастер, ремесла, культурное наследие.

Summary

THE ACTIVITY OF WOOD CARVING AND ENGRAVING SCHOOLS AND THEIR CHARACTERISTIC STYLES

U.A.Klichev

The article studies the development of woodcarvings and wood decorations during the years of Independence of Uzbekistan. Also, here the features of handicraft schools for woodworking, their differences and the activity of craftsmen are also revealed here.

Key words: wood carving, painting, craftsman, crafts, cultural heritage